

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ НОМИДАН Х У К М

2022 йил май ойининг 25 куни, жиноят ишлари бўйича Зангиота туман суди, Боғзор маҳалла фуқаролар йиғини биносида, очик сайёр суд мажлисида:

Раислик қилувчи, туман судининг судьяси З.Шаропов, судья ёрдамчиси З.Ҳаққулованинг котибалигида, тарафлардан давлат айбловчиси – Зангиота туман прокурорининг ёрдамчиси Ф.Очилов, жабланувчининг қонуний вакили У.Самадов, судланувчи А.А ва унинг ҳимоячиси-адвокат Г.Каримоваларнинг иштирокида, судланувчи А.Ага нисбатан 1-1101-2203/136-сонли жиноят ишини кўриб чиқди.

А.А, 09.04.2003 йилда Тошкент шаҳрида туғилган, муқаддам судланмаган, миллати ўзбек, Ўзбекистон Республикаси фуқароси, маълумоти ўрта, мавсумий ишчи, Тошкент шаҳар, Юнусобод тумани, Тикланиш маҳалласи, Холис 3-тор кўчаси, 19-уйда яшайди, унга нисбатан “таров” эҳтиёт чораси қўлланилган, айблов хулосаси нусхасини 29.04.2022 йилда олган.

Ўзбекистон Республикаси ЖК 266-моддасининг 2-қисми билан айбланган.

Суд судланувчининг, жабрланувчининг қонуний вакилининг кўрсатувларини эшитиб, иш материалларини атрофлича тафтиш қилиб, йиғилган далилларга юридик баҳо берган ҳолда, қуйидагиларни

А Н И Қ Л А Д И:

А.А, 2022 йил 01 январь куни соат 22:00 ларда бошқарувида бўлган Маджидов Абдумалик Абдуқаюмовичга тегишли “Нексия” русумли давлат рақами 01 Q 731 ОА бўлган транспорт воситасини ҳеч қандай ҳужжатларсиз бошқариб, амалдаги йўл ҳаракати қоидаларининг 77-банди 3-қисми талабларига зид равишда, Зангиота тумани, Назарбек худуди, Олтинтепа маҳалласидан ўтган йўл бўйлаб ҳаракатланиб келаётган вақтида ўзига нисбатан йўлни ўнг томонида ҳаракатланиб кетаётган пиёда 20.03.1962 йилда туғилган Самадов Номоз Хайитовични автомашинанинг ўнг олд қисми билан уриб юбориб йўл-транспорт ҳодисаси содир этган. Натижада Н.Х.Самадов бир қатор тан жароҳатлари олиб РШТЁИМга муурожаат қилган.

Н.Саматов йўл-транспорт ҳодисасидан олган тан жароҳатлари билан 09.03.2022 йилда вафот этган.

Суд тиббий экспертизасининг 2021 йил 25 декабрь кунидаги № 159-Э-сонли экспертиза хулосасига кўра, Н.Х.Самадовда – қўшма жароҳатлар, бош мия ёпиқ жароҳати, 2-3 даражали бош мия лат ейиши, бош мия чап ярим шарларига ва миячага қон қуйилиши, мия ўзаги лат ейиши, тўш суяги ва қовурғаларини ёпиқ синиши, чап болдир суяқларини очик синиб силжиши, бел соҳаси шилинмалари каби тан жароҳати олганлиги, ушбу тан



жароҳатлари ҳаёт учун хавфлилик белгиларига кўра, оғирлик даражаси бўйича оғир тан жароҳатлари тоифасига кириши аниқланган.

Суд автотехника экспертизасининг 2022 йил 08 февраль кунидаги №13-сонли хулосасига кўра, йўл-транспорт ҳодисаси шароитида хавф юзага келганда йўл-транспорт ҳодисаси жойидан 100,0 метр узокликда бўла туриб, хайдовчи 45-50 км/соат тезликдаги “Нексия” русумли автомашинани ўз вақтида тўхтатиб қолиш йўли билан ҳодисани олдини олиб қолиш техник имкониятига эга бўлганлиги аниқланган.

Судда судланувчи А.А айбига тўлиқ иқроор эканлигини билдириб, 2021 йил 31 декабрь куни соат 22:00ларда бошқарувида бўлган “Нексия” русумли давлат рақами 01 Q 731 ОА бўлган транспорт воситасида Зангиота тумани, Назарбек ҳудуди, Олтинтепа маҳалласидан ўтган йўл бўйлаб ҳаракатланиб, шу кўчада жойлашган “Navas” номли озик-овқат дўкони олтидан ўтиб кетаётган вақтида 100 метр олдинда йўлнинг четидан бир шахс маст ҳолда ҳаракатланиб кетаётганлигини кўргани, ушбу шахс йўлнинг четидан маст ҳолда ҳаракатланиб кетаётгани, автомашинани бошқариб кетаётган вақтида йўлнинг четидан ҳаракатланиб кетаётган шахс маст бўлганлиги сабабли бирдан унинг ҳаракат йўналиши томонга ҳаракатлангани, шунда у дарҳол автомашинасини чап томонга олиб қочишга ҳаракат қилгани, бироқ масофа яқин бўлганлиги сабабли йўл четидан ҳаракатланиб кетаётган шахсни автомашинасининг чап томон орқа қисмини кўрсатадиган (бакавой) ойнаси билан уриб юбориб йўл-транспорт ҳодисаси содир этгани, тез-тиббий ёрдамга ва “102” ишонч телефонида кўнғирок қилгани, қилган ишидан пушаймон экани, суддан унга нисбатан енгиллик беришни сўраб кўрсатув берди.

Судда жабрланувчининг қонуний вакили С.У, марҳум С.Н унинг отаси эканлигини, 2021 йил 31 декабрь куни соат 22:00ларда отасини Зангиота тумани, Назарбек ҳудуди, Олтинтепа маҳалласидан ўтган йўл бўйида пиёда ҳаракатланиб кетаётган вақтида Абдувоҳидов Абдулазиз исмли “Нексия” русумли давлат рақами 01 Q 731 ОА бўлган автомашина хайдовчиси уриб юборгани, бунинг натижасида отаси танасининг турли жойларидан тан жароҳатлари олиб, шифохонага олиб келинганлигини, орадан бироз вақт ўтиб, 2022 йил 9 март куни йўл транспорт ҳодисаси натижасида олган тан жароҳатлари натижасида вафот этгани, ҳозирда судланувчига нисбатан моддий ва маънавий даъвоси йўқлиги, судланувчига нисбатан озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлмаган енгил жазо тайинлашни сўраб кўрсатув берди.

Шунингдек, судланувчининг айби жиноят ишида тўпланган ҳужжатлар, жумладан: ҳодиса жойини кўздан кечириш ҳақида баённомалар, фотожадвал (и.в.5-19), гувоҳ О.Каримовнинг дастлабки терговда берган кўрсатувлари (и.в. 39-44), А.Абдувоҳидовни айбланувчи тариқасида сўрок қилиш баённомаси (и.в. 70-75) ҳамда мазкур жиноят ишида тўпланган бошқа объектив далиллар йиғиндиси билан исботланган деб ҳисоблайди.

Дастлабки тергов органи томонидан судланувчи А.Абдувоҳидовга нисбатан яъни йўл транспорт ҳодисаси натижасида шахсни оғир тан ароҳати олиб, вафот этганлигига сабабчи бўлганликда ифодаланган



ҳаракатлари билан Ўзбекистон Республикаси ЖК 266-моддасининг 2-қисми билан тўғри квалификация қилинган.

Суд, судланувчига нисбатан жазо тайинлашда, Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2006 йил 3 февралдаги “Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида”ги 1-сонли Қарорининг 1-бандида, “судларнинг эътибори, жиноят учун жазо чорасини тайинлашда қонунийлик, инсонпарварлик, одиллик ва жавобгарликнинг муқаррарлиги принципларига қатъий амал қилишга қаратилиши лозим»лиги, шу қарорнинг 3-бандида “Жиноят кодексининг 8, 54-моддалари мазмунига кўра, жазо адолатли бўлиши - ҳар бир ҳолатда индивидуал тайинланиши, жиноятнинг хусусияти ва ижтимоий хавфлилик даражасига, айбдорнинг шахсига, шунингдек жазони енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатларга мувофиқ бўлиши керак”лиги тўғрисидаги кўрсатмаларидан келиб чиқиб, содир этилган жиноятнинг хусусияти ва ижтимоий хавфлилик даражасини инобатга олиб, судланувчи А.Абдувохитовнинг муқаддам судланмагани, қилмишидан пушаймонда эканлигини, ёшлигини, жабрланувчининг қонуний вакилининг моддий ва маънавий даъвоси йўқлигини, енгиллаштирувчи ҳолатлар деб топиб, оғирлаштирувчи ҳолатлар мавжуд эмаслигини инобатга олиб, унга нисбатан қонун санкциясида белгиланган озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинлашни, А.Ага тайинланган жазони ўтамасдан туриб ҳам унинг хулқини назорат қилиш орқали тузатиш мумкин деган қатъий фикрга келиб, ЖКнинг 72-моддасига асосан шартли ҳукм қилиб, синов муддати белгилашни;

жабрланувчи қонуний вакили У.Самадовнинг судланувчи А.Ага нисбатан моддий ва маънавий даъвоси йўқлигини инобатга олишни лозим топади.

Юқоридагиларга кўра, Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 454-457, 460, 462, 463, 465-468 ва 471-473-моддаларига асосланиб, суд

Ҳ У К М Қ И Л А Д И:

А.А., Ўзбекистон Республикаси ЖК 266-моддасининг 2-қисмида назарда тутилган жиноятни содир этганликда айбли деб топилсин ва унга нисбатан ушбу модда билан 3 йил муайян ҳуқуқдан, яъни транспорт воситаларини бошқариш ҳуқуқидан маҳрум қилиб, 5 (беш) йил муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинлансин.

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 72-моддаси қўлланилиб, озодликдан маҳрум қилиш жазоси шартли деб ҳисобланиб, А.Ага 2 (икки) йил синов муддати белгилансин.

А.Ага яшаш жойи ўзгарган тақдирда, бу ҳақда унинг хулқи устидан назорат олиб боровчи органларга хабар бериб туриш, вақти-вақти билан шу органларга келиб рўйхатдан ўтиб туриш мажбурияти юклансин.

Синов муддати давомида ҳукм шартларини бузган тақдирда Ўзбекистон Республикаси ЖК 72-моддасининг 6 ва 8-қисмларида назарда тутилган яъни суд томонидан юклаган мажбуриятларни бажармаса ёхуд жамоат тартиби ёки меҳнат интизомини бузганлиги учун унга маъмурий ёки интизомий таъсир чораси қўлланилган бўлса, суд унинг хулқи устидан



назорат олиб борувчи орган тақдимномасига биноан жазонинг шартлилигини бекор қилиш ҳамда шартли ҳукм қилинган шахс синов муддати давомида янги жиноят содир этса, суд унга нисбатан ЖКнинг 60-моддасида назарда тутилган қоидалар бўйича жазо тайинлаши мумкинлиги тушунтирилсин.

А.Анинг ҳуққи устидан назорат олиб бориш унинг турар жойи бўйича туман ИИБнинг шу каби жазолар ижросини назорат қилувчи бўлими зиммасига юклатилсин.

Синов муддати ҳукм эълон қилинган кундан бошлаб ҳисоблансин.

Жабрланувчининг қонуний вакили У.Самадовнинг судланувчи А.Ага нисбатан моддий ва маънавий даъвоси йўқлиги инобатга олинсин.

А.Ага нисбатан қўлланилган гаров эҳтиёт чораси ҳукм қонуний кучга киргандан сўнг бекор қилинсин, гаров пули гаров қўювчига қайтарилсин.

Ҳукм устидан тарафлар ҳукм эълон қилинган кундан эътиборан йигирма сутка ичида, маҳкум ва жабрланувчи ҳукм нусхасини олган кундан эътиборан шу муддат ичида апелляция тартибида Тошкент вилоят суди апелляция инстанциясига шикоят ёки протест бериши мумкинлиги тушунтирилсин.

Раислик қилувчи, судья:

(имзо)

З.Шаропов

Ҳукм нусхаси аслига тўғри:

З.Шаропов

